

## **ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М**

2019 йил октябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида, хайъатда, суд раиси Ж.Ю.Арслановнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари С.Ашуров ва А.Шербобоевлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси У.Юнусовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ёрдамчиси С.Каримов, судланувчи Э.Отабоев ва унинг ҳимоячиси Ургут шаҳридаги “Шомуродова Хадича Рауповна” адвокатлик бюроси адвокати Х.Шомуродоваларнинг иштирокида, Отабоев Эсан Рузибоевичга нисбатан 1-1416-1901/162-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Отабоев Эсан Рузибоевич (Otaboyev Esan Ruziboyevich) - 1962 йил 22 февраль куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилалик, 5 нафар фарзандлари бор, Ургут туманидаги “Орипова Улжон” фермер хўжалигида сувчи бўлиб ишлаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2014 йил 7 август кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2017 йил 12 декабрь кунги ажрими билан ўталмай қолган 3 йил 8 ой 28 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Ургут тумани, “Юқори Тегана” маҳалласида яшаган, мазкур иш бўйича 28.07.2019 йилдан “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 30 август куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, гувоҳлар ва қўшимча гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### **АНИҚЛАДИ:**

Судланувчи Отабоев Эсан Рузибоевич - илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг, 2019 йил 27 июль куни соат 13:00ларда, ўзи истиқомат қилиб келаётган Ургут тумани, “Юқори Тегана” маҳалласида жойлашган яшаш уйида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун бангихона ташкил қилиб, Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан тадбирга жалб қилинган “Боха” исмли тадбир иштирокчисига 0,63 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш эвазига 900.000 сўмга келишиб, гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб туришганларида, туман ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан воқеа жойида ушланган ва унинг яшаш уйи хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, яшаш хонаси ўрта қисмида 1 (бир) дона газ балони, 1 (бир) дона целофан бўлагига қадоқланган 0,53 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси, 4 (тўрт) дона сим бўлаклари, 1 (бир) дона елим бакалашка ҳамда “Боха” исмли тадбир иштирокчисига берилган 900.000 сўмдан 430.000 сўм пуллар ва яшаш уйи ҳаммомида ўрнатилган печка ичида 470.000 сўм пуллар борлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Судда сўралган судланувчи Отабоев Эсан Рузибоевич ўз кўрсатувида, айбига

қисман иқрорлиги, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 27 июль куни Ургут тумани “Юқори Тегана” маҳалласида жойлашган яшаш уйида содир бўлган воқеадан 20 кун олдин у Ургут шаҳридаги бозорга чиққанида таниши Баходирни учратиб қолиб, у билан суҳбатлашиб, “уйга ўтинлар” деб айтганлиги, 2019 йил 27 июль куни соат 11:00ларда эса Баходир унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, унинг уйига меҳмонга келмоқчилигини айтганлиги, шунда у Баходирни таклифига рози бўлганидан сўнг, шу куни соат 13:00ларда Баходир унинг яшаш уйига “Шухрат” исмли шахснинг “ВАЗ-2106” русумли автомашинасида келиб, Баходирнинг бир ўзи унинг яшаш уйига кирганлиги, “Шухрат” эса автомашинасида қолганлиги, шунда у “Шухрат”ни автомашинасида бир ўзи ўтирмаслиги учун уни ҳам уйига таклиф қилганлиги, шундан кейин Баходир ва “Шухрат”ларни яшаш уйининг меҳмонлар учун мўлжалланган хонасига жойлаштириб, уларни ўтириши учун шарт-шароит яратиб, уларнинг олдига термосда чой қўйганлиги, шунда Баходир унга “ака мазза йўқ, бир кайф қилайлик, эркакмиз-ку” деб айтиб, ундан “опий” гиёҳвандлик воситаси беришини сўраганлиги, шунда у Баходирга “ука мен буни нималигини яхши биламан, бошимдан ўтказганман, бунинг учун судланиб чиққанман” деб айтишига қарамасдан, Баходир уни холи-жонига қўймаганлиги сабабли, у меҳмонларни райини қайтармаслик мақсадида Баходирни илтимосига рози бўлиб, яшаш уйидаги газ балонини олиб келиб, гугурт билан уни ёқиб берганлиги ва ёнида бўлган “опий” гиёҳвандлик воситасини чиқариб қўйганлиги, шундан сўнг Баходир ўзи билан олиб келган ва гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун махсус тайёрлаб қўйилган сим, бакалалашкаларни тайёрлаб, симни газ балонида қиздириб, Баходир билан “опий” гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб турганларида, улар ўтирган меҳмонхонага Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари кириб келишиб, уларнинг олдига бўлган “опий” гиёҳвандлик воситаси, сим, бакалалашка, газ балон ва Баходирга тегишли бўлган 430.000 сўм пулларни, шунингдек, яшаш уйи ҳаммомида ўрнатилган печка ичида сақлаб келаётган, турмуш ўртоғи ва ногирон ўғлининг пенсиясидан рўзғор учун олиб қўйган 470.000 сўм пулларини ҳам ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олишганлиги, у ушбу “опий” гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун 2019 йил февраль ойида “Қуйи Тегана” маҳалласида яшовчи таниши Суяров Бахтиёрдан олганлиги, ҳозирда Б.Суяров вафот этганлиги, у ушбу гиёҳвандлик воситасини оз-оздан чойга қўшиб, истеъмол қилиб келганлиги, шу куни Баходирга ҳам ушбу “опий”дан берганлиги, бироқ гиёҳвандлик воситаси учун Баходирдан пул олмаганлиги, ЖКБ ходимлари яшаш уйи ҳаммоми печкаси ичидан топилган ва унинг оиласига тегишли бўлган 470.000 сўм пулларни ҳеч қандай пуллар билан солиштириб кўришмаганлиги, у яшаш уйида гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиш учун шарт-шароит яратиш жинойт эканлигини билмаганлиги, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлиги, қарамоғида ногирон ўғли ва 81 ёшли кекса онаси борлиги, бу ҳолат бошқа такрорланмаслиги, оилавий шароитини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судланувчи Отабоев Эсан Рузиевич суд терговида айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган қуйидаги гувоҳларнинг кўрсатуви билан ўз исботини топди.

Жумладан;

Судда сўралган гувоҳ Ходжамов Рустам Химматуловичнинг, Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ЖКБ тезкор вакили лавозимизда ишлаб келишлиги, ҳақиқатдан ҳам Б.Мансуровнинг Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ бошлиғининг номига Ургут тумани “Юқори Тегана” маҳалласида яшовчи Э.Отабоев ўз яшаш уйида гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиш шарт-шароит яратиб, бангихона ташкил қилиб келаётганлигини билдириб берган аризасига асосан, тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилиб, Б.Мансуровга “Боха” деб шартли исм берилиб, “Боха”нинг ўз ҳисобидан тадбирга ишлатиш учун 1.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг 10 донасидан ксеро нусха олинди, ксеро нусхаси олинган 900.000 сўм пулларнинг орасига қўшилиб, 2019 йил 27 июль соат 13:00ларда Ургут тумани “Юқори Тегана” маҳалласида яшовчи Э.Отабоевнинг яшаш уйи олдига бориб,

узоқроқдан кузатиб туришганлиги, орадан биров вақт ўтиб, Э.Отабоевнинг яшаш уйи олдига “Боха” исмли тадбир иштирокчиси “ВАЗ-2106” русумли автомашинада йўловчи сифатида бориб, Э.Отабоев билан яшаш уйига кирганлиги, кейинчалик Э.Отабоев яшаш уйдан чиқиб, ҳайдовчини ҳам яшаш уйига олиб кирганлиги, улар уйга кириб кетишганларидан сўнг биров вақт ўтиб, “Боха” уларга келишилган белгини берганлиги, шунда улар холислар билан бирга Э.Отабоевнинг яшаш уйида Э.Отабоев, “Боха” ва ҳайдовчи ўтирган хонага киришиб, хонани кўздан кечиришганларида, яшаш хонаси ўрта қисмида 1 (бир) дона газ балон, 1 (бир) дона целофан бўлагига қадоқланган “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда, 4 (тўрт) дона сим бўлаклари, 1 (бир) дона елим бакалашка ҳамда “Боха” исмли тадбир иштирокчисига берилган 900.000 сўм пуллардан 430.000 сўм пуллар борлиги аниқланганлиги, шундан сўнг у Э.Отабоевнинг турмуш ўртоғига ҳолатни тушунтириб, қолган пуллар қаерда эканлигини сўраганида, Э.Отабоевнинг турмуш ўртоғи тадбирда ишлатиш учун берилган 900.000 сўм пуллардан 470.000 сўми яшаш уйи ҳаммоми печкаси ичида эканлигини билдирганлиги, шунда у шахсан ўзи печка ичидан пулларни олиб, холислар иштирокида санокдан ўтказганларида, ушбу пуллар 470.000 сўм эканлиги аниқланиб, Э.Отабоевнинг яшаш уйи хонасидан олинган 1 (бир) дона газ балон, 1 (бир) дона целофан бўлагига қадоқланган “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда, 4 (тўрт) дона сим бўлаклари, 1 (бир) дона елим бакалашка, 430.000 сўм пуллар ҳамда ҳаммом печкаси ичидан топилган 470.000 сўм пуллар тегишли тартибда расмийлаштирилиб, ашёвий далил сифатида олинганлиги, Э.Отабоевнинг яшаш уйи ҳаммоми печкаси ичидан топилган 470.000 сўм пулларни ичида ксеронусхаси олинган 1.000 сўмлик купюрадаги пуллар ҳам борлиги аниқланганлиги, тадбирда ишлатиш учун берилган ва Э.Отабоевнинг яшаш уйдан топилиб, алоҳида-алоҳида пакетларга солиниб, муҳрланган жами 900.000 сўм пуллар терговчи томонидан икки нафар холис иштирокида кўздан кечирилганлиги, шунда 430.000 сўм орасидан 3 дона, 470.000 сўм орасидан 7 дона жами 10 дона ксеронусхаси олинди, тадбирда ишлатиш учун берилган 1.000 сўмлик купюрадаги пуллар бўлганлиги аниқланганлиги, Э.Отабоевни яшаш уйида бангихона ташкил қилиб, гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланиши ҳақида маълумот бўлганлиги, ўша куни ҳам Э.Отабоевга гиёҳвандлик воситаси етказилиши ва у томонидан гиёҳвандлик воситасини сотилиши кутилганлиги, бироқ вазият тақозо қилганлиги сабабли, тадбирни муддатидан олдин яқунлашга мажбур бўлишганлиги, ҳавфсизлик юзасидан ҳужжатларни ҳам тўлиқ расмийлаштиришга имкон бўлмаганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Исломов Алишер Рустамовичнинг, судланувчи Э.Отабоев унинг қўшниси бўлишлиги, 2019 йил 27 июль куни соат 13:00ларда Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ходимларининг илтимосига кўра, у холис сифатида иштирок этганлиги, шунда Э.Отабоевнинг яшаш уйига киришганлиги, Э.Отабоевнинг яшаш уйи хонасида 3 нафар киши, Э.Отабоев ва унга нотаниш бўлган икки фуқаро, шулардан биттаси ёнбош ётган ҳолатда, иккинчиси эса ўтирган ҳолатда бўлганлиги, шу вақт Э.Отабоевни яшаш хонаси кўздан кечирилганида хонанинг ўрта қисмида 1 (бир) дона газ балон, 1 (бир) дона целофан бўлагига қадоқланган “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда, 4 (тўрт) дона сим бўлаклари, 1 (бир) дона елим бакалашка, 430.000 сўм пуллар борлиги аниқланганлиги, шундан сўнг Э.Отабоевнинг турмуш ўртоғи яшаш уйи ҳаммоми печкаси ичидан пул олиб чиққанлиги, лекин ушбу пуллар қанчалигини эслайолмаслиги, ўша куни Э.Отабоевни яшаш уйи кўздан кечирилишида ундан ташқари яна бир холис иштирок этганлиги, олинган пуллар уларни иштирокида алоҳида қилиниб, пакетларга солиниб, кейин эса муҳрланганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Джуманова Хатича Яздоновнанинг, судланувчи Э.Отабоев унинг турмуш ўртоғи бўлишлиги, 2019 йил 27 июль куни соат 13:00ларда фермер хўжалиги ер майдонида экилган тамакиларига сув куйиб яшаш уйига тушлик қилиш учун қайтиб келганида, яшаш уйи меҳмонхонаси эшиги олдида унга нотаниш бўлган икки жуфт эркалар оёқ кийимларини кўриб, келини Асалат ва набирасидан сўраганида, улар

унга меҳмонлар келишганлигини айтишганлиги, шунда у келини пиширган овқатни олиб келтириб, энди овқатланмоқчи бўлиб турганида, уларнинг яшаш уйига фуқаролик кийимидаги, ўзларини Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари деб таништирган шахслар кириб келишиб, уларга жойида ўтиришларини айтишиб, турмуш ўртоғи Э.Отабоев ва меҳмонлар ўтирган хонага кириб кетишганлиги, шундан сўнг ховлига чиқишиб, ўзини ЖҚБ тезкор вакили деб таништирган Р.Ходжамов ундан “пулни қолгани қани, топиб бермасангиз жавобгарликка тортиласиз” деб айтиб, яшаш уйи ҳаммомида ўрнатилган печка ичидан пул топиб чиққанлиги ва пулларни санокдан ўтказишиб, 470.000 сўм эканлигини айтишганлиги, печка ичидан топилган 470.000 сўм пуллар ногирон ўғли ва ўзининг пенсиясидан жамғариб қўйилган пуллар бўлганлиги, у тикувчилик қилиб тикиш билан шуғулланишлиги, олинган пуллар пакетларга солиниб муҳрланганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Облокулова Асалат Мирсадиевнинг, судланувчи Э.Отабоев унинг қайнотаси бўлишлиги, 2019 йил 27 июль куни соат 13:00ларда, яшаш уйида қайнотаси Э.Отабоев, овсини Заринани фарзандлари билан, қайнонаси Х.Джумановани дала майдонида келишини кутиб ўтирганларида, уйларига кимдир қайнотаси Э.Отабоевни исмини айтиб чақириб келганлиги, шу вақт қайнотаси Э.Отабоев келган меҳмонларни уйга таклиф қилиб, яшаш уйларининг меҳмонлар учун мўлжалланган хонасига киришганлиги, бироздан сўнг уйга қайнонаси Х.Джуманова келиб, икки жуфт нотаниш аёқ кийимларини кўриб, уйга ким келганлигини сўраганлиги, у унга меҳмонлар келишганлигини айтганлиги, кейин улар қайнонаси ва болалар билан овқатланмоқчи бўлиб турганларида, уларнинг яшаш уйига фуқаролик кийимидаги, ўзларини Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари деб таништирган фуқаролар кириб келишиб, уларга жойларида ўтиришларини айтишиб, қайнотаси Э.Отабоев ва меҳмонлар ўтирган хонага кириб кетишганлиги, кейинчалик меҳмонхонадан чиқишиб, ЖҚБ ходимлари яшаш уйлари ҳаммомида ўрнатилган печка ичидан пул топиб чиқишиб, пулларни санокдан ўтказишиб, 470.000 сўм эканлигини айтишганлиги, печка ичига пулни ким қўйганлигини билмаслиги, қайнотаси Э.Отабоевни гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишини билмаганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган қўшимча гувоҳ Шермамедов Сухроб Сохибовичнинг, у Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБда катта терговчиси лавозимида ишлашлиги, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан айбланиб судга берилган Э.Отабоевга нисбатан бўлган жиноят иши дастлаб унинг иш юритувида бўлганлиги, бироқ унинг соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли, кейинги тергов ҳаракатларини бошқа терговчи олиб борганлиги, 2019 йил 10 август куни у икки нафар холиснинг иштирокида “пулни кўздан кечириш” тергов ҳаракати ўтказганлиги, кўздан кечириш давомида, Э.Отабоевнинг яшаш уйдан олинган 1-рақамли оқ рангли қоғоз пакетда 1.000 сўмлик купюралардан иборат жами 430.000 сўм пуллар борлиги ва ушбу пуллар орасида ксеронусхаси олиниб, тадбирда ишлатиш учун берилган 10 дона 1.000 сўмлик купюралардан 3 донаси, 2-рақамли пакетда 1.000 сўмлик купюралардан иборат жами 470.000 сўм пуллар борлиги ва ушбу пуллар орасида ксеронусхаси олиниб, тадбирда ишлатиш учун берилган 10 дона 1.000 сўмлик купюралардан 7 донаси борлиги аниқланиб, тегишли тартибда баённома расмийлаштирилганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

-27.07.2019 йилдаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси; схема, фотожадваллар; тезкор тадбирда ишлатиш учун пул бериш тўғрисидаги баённома, фотожадвал; далилий ашёни олиш ва муҳрлаш ҳақидаги баённома; судга оид кимёвий экспертизанинг 152, 300-сонли хулосалари ва фотожадваллар; 29.07.2019 йилдаги ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарор; судга оид наркология экспертизанинг 276-сонли далолатномаси; 10.08.2019 йилдаги пулни кўздан кечириш баённомаси ва фотожадваллар ҳамда бошқа жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан

тўлик ўз исботини топди.

Суд, судланувчи Э.Отабоевни судда берган кўрсатувидаги “яшаш уйи хоммомида ўрнатилган печка ичидан топилган 470.000 сўм пуллар турмуш ўртоғи ва ногирон бўлган ўғлининг пенсия пуллари эканлиги” борасидаги важларни муҳокама қилиб, ушбу важлар судда сўралган гувоҳ Р.Ходжамов, шунингдек гувоҳ Х.Джуманованинг кўрсатувидаги айнан шу мазмундаги ва қўшимча гувоҳ С.Шермамедовларни кўрсатувлари, 10.08.2019 йилдаги пулни кўздан кечириш баённомаси ва фотожадваллар билан тўлик инкор қилиниши сабабли, ушбу важлар ишончга сазовор бўлмаган важлар деб танқидий баҳолайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Отабоевнинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун бангихона ташкил қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрель кунги № 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорини 26-бандида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Э.Отабоевнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига қисман иқдорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Э.Отабоевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жиноят ўта оғир жиноятлар туркумига киришлигини, мукаддам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлиги учун судланганлигини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда шахсини, ёшини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини, оилалик бўлиб қарамоғида 5 нафар фарзанди, шунингдек, 2-гурух ногирони бўлган ўғли ва 81 ёшли кекса онаси борлиги, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини, бундан ташқари Ургут тумани “Юқори Тегана” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган қафолат хати ва илтимосномани, 57 ёшда эканлигини инobatга олиб, ушбу ҳолатлар жиноятни ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топади.

Суд, судланувчи Э.Отабоев мукаддам ўта оғир жинояти учун 07.08.2014 йилда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, яна қасдан ўта оғир жиноят содир этганлиги сабабли ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан уни ўта хавфли рецидивист деб топишни ҳамда жазони махсус тартибли колонияларда ўташликни белгилашни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган ва ҳозирда ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси АДСХда сақланаётган 0,3 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси, гиёҳвандлик моддаси изи бўлган 1 (бир) дона сим бўлагини, 1 (бир) бир дона 0,5 ҳажмли елим бакалашка, Ургут тумани бўйича ИИО ФМБнинг АДСХда сақланаётган 1 (бир) дона газ балон ва 3 (уч) дона сим бўлақларини ҳукм қонуний кучга киргач тергишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-

468, 471, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

### **Х У К М Қ И Л Д И:**

Отабоев Эсан Рузибоевич (Otaboyev Esan Ruziboyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 6 (олти) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 07.08.2014 йилдаги ҳукми бўйича тайинланиб, ўталмасдан қолган 2 йил 3 ой 2 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига тенглаштирилсин ҳамда узил-кесил ўташлик учун 7 (етти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан судланувчи Отабоев Эсан Рузибоевич ўта хавфли рецедивист деб топилсин ҳамда жазони махсус тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 28 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Э.Отабоевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қолдирилсин.

Судланувчи Э.Отабоевга нисбатан жазони ижро этиш жойларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораси қўлланилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган ва ҳозирда ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси АДСХда сақланаётган 0,3 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси, гиёҳвандлик моддаси изи бўлган 1 (бир) бир дона сим бўлаги, 1 (бир) бир дона 0,5 ҳажмли елим бакалашка, Ургут тумани бўйича ИИО ФМБнинг АДСХда сақланаётган 1 (бир) бир дона газ балон ва 3 (уч) дона сим бўлаклари ҳукм қонуний кучга киргач тергишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:** **имзо.** **Ж.Ю.Арсланов**

**Халқ маслаҳатчилари:** **имзо.** **С.Ашуров**

**имзо.** **А.Шербобоев**

**Нусхаси аслига тўғри**  
**Раислик қилувчи судья:** **Ж.Ю.Арсланов**